ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги битимга мувофиқ шу йил 15-19 апрель кунлари мамлакатимизда Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари ўтказилади. Қирғизистон Республикаси маданияти кунлари Тошкентдаги «Туркистон» саройида тантанали очилади. Сўнгра байрам қатнашчилари уч йўналиш бўйича сафарга чиқади. Андижон вилоятида «Ак-Марал» ансамбли ва халқ чолғу оркестри, Фарғона вилоятида «Шаттик» ансамбли, Наманган вилоятида «Камбаркан» фольклор ансамбли ўз санъатини намойиш этади.

***

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида «Экология ва бизнес» мавзусида давра суҳбати бўлди. Учрашув «Атроф-муҳит муаммолари тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш» таъсис дастурининг Марказий Осиёдаги идораси билан биргаликда ташкил этилди. Унда республикамизнинг бир қанча вазирлик ва идоралари, жамоатчилик бирлашмалари, тадбиркорлар доираларининг вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг мутахассислари, Ўзбекистонда ишлаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

***

Олимпия шон-шуҳрати музейида ногиронлар спорти республика уюшмаси ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси бўлди. Конференция ишида жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Касаба уюшмаларининг «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, ногиронлар жамиятлари вакиллари иштирок этди. Конференцияда уюшманинг низоми ва унинг раҳбарлари таркиби тасдиқланди. Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов уюшма президенти этиб сайланди.

* * *

Тошкент шаҳар болалар консультация-ташхис марказида қиймати 50 минг АҚШ долларини ташкил этадиган ошқозон-ичак касалликларини аниқлаш ва даволашга мўлжалланган янги асбоблар ўрнатилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бу шифохонага Германияда ишлаб чиқарилган иккита гастрофиброскоп ҳадя қилди. Улар мазкур жамоат ташкилоти Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорациясидан грант сифатида олган маблағга харид қилинган.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Филиппин Президенти Осиёдаги молия-пул инқирози юз бериб турган шароитда ишончли иқтисодиётни барпо этганлиги учун умумжаҳон валюта жамғармаси ва жаҳон банки раҳбарлари томонидан мақтовга сазовор бўлди.

* * *

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев қатор янги сайланган вазирлардан қонунчиликка ва конституция нормаларига риоя қилишни ҳамда ўзларининг депутатлик ваколатларини топширишни талаб қилди. Бу ҳақда Президентнинг матбуот котиби Қанибек Имоналиев хабар қилди. Унинг айтишича кўра, маориф ва фавқулодда вазиятлар вазирлари А. Акаев билан учрашганларидан сўнг парламентдан чиқиш ҳақида ариза ёзишди.

* * *

Франция ҳукумати аҳолининг кўчиб келиши ҳақидаги янги қонуннинг якунловчи қисмини тасдиқлади. Шундай қилиб парламент 1945 йилда қабул қилинган Францияга кўчиб келиш ва ундан жўнаб кетиш ҳақидаги дастлабки ҳужжатни 26 марта янгилади.

Янги қонунга биноан агар янги оилалар вужудга келса ҳеч қандай таклифномасиз бу оилалар бирга яшайверишлари мумкин.

* * *

БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўзининг Тожикистондаги махсус вакили Герд Мерремни тўла қўллаб-қувватлашини айтди. Бу билан Аннан Бирлашган Тожикистон мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий томонидан Мерремни танқид қилинишини тўла-тўкис рад этди. Бундан бир неча кун аввал Нурий Аннанга хат ёзиб, Мерремни айблаган эди. Аннан эса Мерремга тўла ишонишини айтди.

* * *

Озарбойжон НАТОнинг шарққа томон кенгайиб боришига қарши эмас, балки АҚШ ва НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида бирга ишлашга қарор қилди. Бу ҳақда Озарбойжон мудофаа вазири Сафар Абиев баёнот берди. У Бокуда Америка сенатори Жон Уорнер билан АҚШнинг Европадаги денгиз кучлари бош қўмондони Жозеф Лопезни қабул қилди. Меҳмонлар Кавказ ҳудудидаги ҳарбий-сиёсий вазият билан таништирилди. Америка делегацияси Президент Ҳайдар Алиев томонидан ҳам қабул қилинди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 14 апрель, сешанба • № 45 (22.282).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан Люк Дехане шу йил 17-18 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 14 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	55,99
1 Австрия шиллинги	6,65
1 Англия фунт стерлинги	142,46
10 Бельгия франки	22,68
1 Голландия гульдени	41,51
10 Греция драхмаси	2,69
1 Дания кронаси	12,26
1 БАА дирхами	23,22
1 АҚШ доллари	85,27
1 Миср фунти	25,08
1 Ирландия фунти	117,76
1 Исландия кронаси	1,18
10 Испания песети	5,51
100 Италия лираси	4,73
1 Канада доллари	59,82
1 Хитой юани	10,30
1 Қувайт динори	279,39
100 Ливан фунти	5,58
1 Малайзия рингги	23,49
1 Германия маркаси	46,75
1 Норвегия кронаси	11,28
1 Польша злотийси	24,96
10 Португалия эскудоси	4,58
1 Сингапур доллари	53,66
1 СДР	114,13
1000 Туркия лираси	0,34
1 Финляндия маркаси	15,41
1 Франция франки	13,95
1 Швеция кронаси	10,84
1 Швейцария франки	56,43
1 ЭКЮ	92,75
10 Жанубий Корея вони	0,62
10 Япония иенаси	6,63
1 Россия рубли	13,93
1 Украина гривнаси	41,81
1000 Белорусь рубли	2,50
1 Латвия лати	142,59
1 Литва лити	21,32
1 Молдова лейи	18,08
1 Қирғизистон соми	4,71

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЯНГИ УЙЛАР

Улуғнор туманида 330 та янги уй қуриб битказилди.

Кечагина «Андижон», М. Иминов номли, «Истиқлол», «Улуғнор», «Дўстлик», «Шаҳрихон», «Оқ олтин» ширкатлар уюшмалари далалари бўлган жойларда ишлар жадал борди.

— Янги уйлар қурилишида табиий шароитни ҳисобга олиб, халқимизнинг миллий меъморчиликдаги тажрибаларидан фойдаландик, — деди Улуғнор тумани бош меъмори Муҳаммаджон Иброҳимов. — Қўшхонали, олди айвонли уйлар кишиларга маъқул бўляпти. Томорқа ери ҳам ажратилган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

13 апрель куни «Дўрмон» қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Туркия Бош вазири Месут Йилмазни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юқори мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмаз шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат Давлат Мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Месут Йилмаз фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмазнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатлар, халқаро сиёсат майдонида юз бераётган ўзгаришлар, Европа ва Осиёда минтақавий хавфсизлик, дунёда тинчликни сақлаш масалалари хусусида фикр алмашилди. Ислом Каримов Месут Йилмазни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон — Туркия муносабатлари ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Месут Йилмазнинг мазкур ташрифи бу муносабатларни янада юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Ислом Каримов ва Месут Йилмаз иштирокида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш, хусусан, ўзаро савдо-сотиқ, транспорт коммуникациялари, сармоя жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий, илмий-маданий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлар, ҳар икки давлат иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар таҳлил қилинди. Ўзбекистон — Туркия муносабатлари иқтисодиёт соҳасида ҳам яхши ривож топаётгани қайд этилди.



СУРАТДА: яккама-якка суҳбат пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Музокаралар чоғида Ислом Каримов Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг самараси, қўлга киритилган ва айни вақтда эришилаётган ютуқлар ҳақида сўзлади. 1997 йил якунлари, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги ишларга тўхталди. Ўзаро ҳамкорликни равнақ топтириш учун ҳар икки давлатда ҳам янги очилаётган ва ҳали ишга солинмаган имкониятлар анчагина эканини қайд этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар орасида фақатгина Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга эришилгани, мамлакатда ишлаб чиқариш, хусусан, енгил ва оғир саноатнинг янги тармоқлари фаолияти йўлга қўйилганининг ўзиёқ бунга исботлайди. Хорижлик сармоядорларнинг юртимизга қизиқиши ортаётгани, чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда тузилган ва амалга оширилаётган лойиҳалар кўпаяётгани ҳам Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар яхши самара бераётганидан далолатдир.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга тўхталар экан, айни вақтда мамлакатимизда Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган икки юзга яқин қўшма корхона фаолият юритаётганини, лекин улар орасида «Коч Холдинг», «Ай Сел» сингари йирик фирмалар камлигига эътибор қаратди.

— Йирик компаниялар йирик лойиҳаларни амалга оширади ва ҳар икки мамлакатга бирдек фойда келтиради. Шуни ҳисобга олган ҳолда турк ишбилармонларига Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун яратилган жуда қулай шарт-шароитни чуқур ўрганишни ва узоқни кўзлаб ҳамкорлик қилишни таклиф этган бўлур эдим, — деди Президент.

Музокараларда Туркия Бош вазири юртимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда давлатлараро иқтисодий интеграциялашув жараёнларини фаоллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Президентининг Туркия Бош вазири билан музокаралари якунлари бўйича қўшма Баёнот имзоланди. Ҳужжатга Ислом Каримов ва Месут Йилмаз имзо чекдилар. Шунингдек, маросимда Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ҳукуматлари ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, маданий бойликлар контрабандасининг олдини олиш ва уларнинг қайтарилишини таъминлашда ўзаро кўмаклашиш тўғрисидаги битимлар ҳамда Ўзбекистон давлат божхона қўмитаси билан Туркия Бош вазири ҳузуридаги божхона котибияти ўртасида божхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмаз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Унда Ислом Каримов Туркия Бош вазири билан ўтказилган суҳбат сермазмун ва сермаҳсул бўлганини таъкидлади.

— Туркия юртимиз мустақилликка эришганидан кейин бизни биринчи бўлиб эътироф этган, қўллаб-қувватлаган мамлакатдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистонга кўрсатилган бундай самимият унутилмайди.

— Айни пайтда давлатларимиз ўртасида имзоланган ҳужжатлар сони элликтага яқинлашиб қолди, — деди Ислом Каримов. — Ҳозирги кунгача туркиялик ҳамкорлар томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоянинг умумий миқдори эса 1,5 миллиард АҚШ долларига боради. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми эса 1997 йилда 320 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Биз музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия қўшма комиссияси ишини ҳам таҳлил этдик. Хулосамизга кўра, у кутилганидек фаолият кўрсатмади. Шу боис бундан кейин комиссияга бош вазирлар раҳбарлик қилишига келишиб олдик. У сармоя киритиш учун қулайлик ва зарур шарт-шароит яратиш, ўзаро тўлов-ҳисоб-китоблар, транспорт, тижоратда мутаносиблик ва бошқа масалаларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Биз Туркия Бош вазири билан йирик қўшма корхоналар тузилишини ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳам келишиб олдик.

Туркия Бош вазири ҳар икки мамлакатда ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларини ривожлантиришга бўлган интилишлар муштараклигини таъкидлади.

Ислом Каримов Каспий денгизи орқали Ўзбекистон — Туркманистон — Озарбойжон — Туркия йўналиши бўйича транспорт алоқасини йўлга қўйиш учун икки томонлама саъй-ҳаракат кўрсатиш лозимлигини таъкидлади.

Матбуот анжуманида МДҲ доирасидаги воқеалар хусусида ҳам сўз борди. Президент Ислом Каримов бу борада ўзининг қатъий фикрини илгари ҳам бир неча бор очиқ-ойдин баён этганини айтди.

— МДҲнинг кўп имкониятлари, салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаган, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз иқтисодий интеграция тарафдоримиз. МДҲни халқаро ҳуқуқ субъектига айлантириш, мустақил давлатлар устидан назорат қилувчи идоралар тузиш сингари масалаларга эса мутлақо қаршимиз.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти ва Туркия Бош вазири журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Шу куни юксак мартабали меҳмон Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. М. Йилмаз буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Туркия Бош вазири Олий Мажлисда ҳам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Парламенти Раиси Э. Халилов Туркия Бош вазирини мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлашда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Шунингдек, Олий Мажлис фаолияти, хорижий мамлакатлар парламентлари билан йўлга қўйилган алоқалар ҳақида сўзлаб берди.

Туркия Бош вазири парламент фаолияти билан танишар экан, Ўзбекистон нафақат иқтисодий, балки демократия ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Шунингдек, у Олий Мажлиснинг янги қурилган муҳташам биносини кўздан кечириб, унинг ҳар томонлама мукаммал эканини, халқаро андозалар талабига тўла жавоб беришини қайд этди. Олий қонун чиқарувчи органнинг замонавий техника билан жиҳозланган, турли меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган бундай бинога эга бўлиши демократик тамойиллар асосида равнақ топаётган Ўзбекистонда парламентга муносабат ҳақида аниқ-тиниқ тасаввур беришини айтди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Туркия Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбек — Турк бизнес-семинарида иштирок этди. Юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ҳам ташриф буюриб, банк раҳбарияти ҳамда Туркиянинг «Ай Сел» компанияси вакиллари билан учрашди.

Туркия Бош вазири Месут Йилмазнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ОЛТМИШ ФАРЗАНДНИНГ СУННАТ ТЎЙИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги янги биносида олтмиш фарзанднинг суннат тўйи ўтказилди. Пойтахтнинг барча туманларида истиқомат қилувчи — тақдир тақозоси билан буваси, тоғаси ёки қариндошлари тарбиясида қолган болалар бу шодиёна эгалари бўлишди. Зарбоф тўнлар кийидирилган тўйболаларга 2 минг сўмдан омонат дафтарчалари, велосипедлар ва бошқа совғалар берилди. Тўйболаларни шаҳар ҳокими ўринбосарлари А. Миржалилов, Ф. Абдураҳимова, шаҳар «Нарвўз» жамғармаси раиси К. Шодиев табриклади.

Абдулла ПЎЛАТОВ

Суратда: суннат тўйи лавҳаси.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

АҲИЛЛИК БЎЛМАГАЧ

Сиёсий иқлим

ёки Россиядаги ҳозирги аҳвол хусусида мулоҳазалар

Шу кунларда дунёдаги энг йирик давлатлардан бири бўлмиш Россияда рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб турган ҳар қандай ақли расо киши муайян хулосага келади: сайёрамизнинг олтидан бир қисмини эгаллаб турган ушбу улкан мамлакатдаги бугунги вазият, кўп жиҳатдан, жорий юз йилликнинг бошидаги аҳволни эслатади. Асримизнинг дастлабки йигирма йили ичида учта қонли уруш ва уч инқилобни бошидан кечирган Россия XXI аср бўсағасида давомли алғов-далғовлар гирдобига тушиб қолди. Мамлакат шиддат билан оқаётган катта сувнинг гирдобига тушиб, ундан чиқиб олиш учун пала-партиш ҳаракат қилаётган кишига ўхшайди. Ҳаракат кўпу фойдаси бўлмаяпти. Далилларга мурожаат қилайлик.

Энг аввало, Россия иқтисодиётининг таназзули (АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича собиқ маслаҳатчиси З. Бжезинский уни «улаётган иқтисодиёт» деб баҳолади) тобора чуқурлашмоқда. Е. Гайдар, А. Чубайс, В. Немцов каби «ислоҳотчилар»нинг «Карахт қилиб даволаш» («шок терапияси»), ваучерларни тарқатиш орқали давлат мулкини хусусийлаштириш, металлургия, машинасозлик, нефть, газ, алоқа соҳасидаги етакчи корхоналарни кенг миқёсда давлат тасарруфидан чиқариш каби сиёсати ва амалий фаолияти саноат, қурилиш, алоқа, транспорт ва қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш ўрнига уларни жар ёқасига келтириб қўйди. Ўтган йили Россияда саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 1990 йилга нисбатан атиги 48 фоизни ташкил этди. Ўзбекистонда бу кўрсаткич — 112,7 фоиз! Капитал маблағлар умумий ҳажми (1991 йилга нисбатан) 23 фоизгача тушиб қолди. Ўзбекистонда эса у — 69 фоизга тенг бўлди. Россия ҳукуматининг истеъфога чиққан собиқ раҳбарлари мамлакат иқтисодиёти ўзини ўнгламоқда, ижобий ўзгаришлар томон бурилиш бўлмоқда, деб жамоатчиликни ишонтиришга ҳаракат қилган эдилар. Бош вазир лавозимига тавсия этилган С. Кириенко ушбу соҳадаги ҳозирги аҳволнинг олдингидан баттарлигини очиқ айтмоқда. Минглаб завод ва фабрика (хусусан мудофаа саноати корхоналари), кон ва шахталар ишламаяпти ёки ёпилмоқда, жуда кўплари баҳоли қудрат имиллаб турибди. Қишлоқ хўжалигидаги оғир вазиятни тасаввур қилиш қийин эмас. Хориждан олинаётган миллиардлаб долларлик қарз-

(Давоми 2-бетда).

«АЛ-ЖАБР» ҚАНДАЙ ТУҒИЛГАН?

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси, катта жамоат арбоби Ҳиллари Клинтон хоним Ўзбекистонга дўстона ташрифи чоғида кўҳна фан ва маданият маркази бўлмиш диёримиз ҳақида мафтуний лутф айтаркан, аввало математика туғилган мамлакатга келганидан беҳад шод эканини тўлқинланиб гапирган эди. Кейинчалик кишиларимиз билан бўлган ўзаро мулоқотда «ал-Жабр» қандай пайдо бўлгани билан қизиққан эди. Кўпчилик ватандошларимиз «ал-Жабр»нинг ижодкори ким эканини билсалар-да у қаерда ва қандай туғилганини аниқ билмайдилар. Ҳаммамизнинг фахримиз бўлмиш бу оламшумул кашфиётни барчамиз беш қўлдай билишимиз керак. Нима учун деганда уни билмай туриб, аввало ўзлигимизни билмаймиз, қолаверса фазогирлик ва компьютерлар даврида мураккаб математик бошқаришсиз ҳеч қаерга боролмаймиз. Инсониятга тараққиётнинг ана шу калитини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо деб номланган ва дунёга ал-Хоразмий бўлиб танилган улуғ юртдошимиз топиб берган.

Бу мўъжиза қандай яралган? Унинг тафсилоти мана бундай:

Тўққиз юзинчи йилларнинг бошларида Араб халифаси — подшоси Хорун ар-Рашид Эрон ва Хуросонга таяниб иш тутса-да, у вилоятларнинг халқларидан шубҳаланиб юрар ва ўзининг вазири Жаъфар ибн Яҳёни уларга ён босувчи шахс деб биларди. Бул вазирдан араб акобирлари ҳам норози эдилар. Хорун арзимаган бир баҳона топиб Жаъфарни саройдан ҳайдади-ю, ари уясини қўзғаб юборгандай бўлди. Эрон ва Хуросонда норозилик қўзғалонлари кўтарилди. Уларни бостириш осон иш эмасди. Ўйлаб-ўйлаб бу мушкул вазифани доно ва тадбирли фарзанди — ўзининг эроний жориясидан бўлган тўнғич ўғли Маъмунни Шарқий вилоятларга катта ҳуқуқлар билан ҳоким қилиб юборди.

Марв шаҳрида қароргоҳ қилган Маъмун отасидан ўзгача доно ва халқчил сиёсат тутиб, халқни, энг аввало унинг фузалолари, олимлари, доноларини ўз атрофига тортди, уларга ва аҳолига катта имтиёзлар берди. Олимлар орасида ёшгина Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳам бор эди. Ал-Хоразмий Маъмуннинг эътиборини тортди. У ёш олимни математика ва астрономияга оид китоблар йиғиб келиш учун шарқий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонга юборди. Ал-Хоразмий ҳинд китобларини йиғиш билан бирга ҳинд ҳисоби — математикаси борасидаги малакасини ошириб қайтди ва бу соҳада ўзидан кичик бўлган Маъмунга устозлик қилди. Маъмун билан ал-Хоразмий дўстлиги ана шундан бошланди.

Отаси Хорун ўлимидан кейин унинг ўрнига тахтга ўтирган ўғай укаси Амин устига туркийлардан қўшин тортиб борган Маъмун унинг аскарларини енгиб, ўзини ҳам қилич билан бошини кесиб, 813 йили тахтга минди-да, Марвдаги барча одамларини Бағдодга кўчириб келди. Ўша йили ўзи билан бирга Аҳмад Фарғоний, Абдулмалик, Аҳмад ибн Абдуллоҳ, Мусо ибн Шокирлар келиб, Хорун тузган «Байтул ҳикма» — донолар уйига жойлашдилар. Ал-Хоразмий Бағдодга икки йилча кечикиб келса-да, академиянинг бошлиғи — бош китобдор вазифасини унга сақлаб турди.

Ал-Хоразмий «Байтул ҳикма»да кеча-кундуз ишлаб, Марвда бошлаган кашфиётини ниҳоясига етказди — риёзиёт илмидан «Ҳисоби ҳинд» китобини ниҳоясига етказди ва халифа Маъмун билан вазири аъзам ихтиёрига топширди. Улар илми риёзий соҳасидаги бу ажойиб кашфиётни «Байтул ҳикма» анжумани муҳокамасига қўйди.

Улуғ алломанинг ҳинд ҳисобини такомиллаш, мукаммаллаштириш асосида яратилган янги кашфиёти — «Ҳисоби ал-ҳинд» деб аталмиш китоби «Байтул ҳикма»нинг «танобий уй»ида бошланди. Муҳокамага Маъмун олимлар билан бирга ер ўлчовчи массоҳлар, муфтийлар, уламоларни ҳам таклиф қилди. Уларни таклиф қилганидан халифанинг ўзи афсусланди. Чунки, дунёвий илм билан дин азалдан курашиб келганини эътиборга олмаганди.

«Катта танобий уй»нинг деворлари биқинига ёзилган тўшакларда ўнгда олимлар, чапда муфтий ва уламолар, ўртада массоҳлар чордона қуриб ўтирдилар. Тўрда фил суягидан ясалган курсида Маъмун, унинг биқинида кичикроқ ёғоч курсида вазири аъзам ал-Фазл жойлашди. Анжуманни халифа Маъмун бошқарди. У савлат тўкиб ўтирган жойида подшоларга хос салобат билан «Улуғ аллома Муҳаммад Ибн Мусога сўз» дейиши ҳамон оқ шойи кўйлак устидан қизил чопон кийиб тақяси устидан оқ салла ўраган ал-Хоразмий ўртага тушди ва аввал халифага, сўнгра анжуман аҳлига таъзим бажо қилиб, йиғилганларга ўз асарининг мазмунини баён қилишга отланди.

Пашша учса билинадиган, киприк қоқса кўринадиган, нафас олса сезиладиган жимликда алломанинг ҳар бир сўзи болқиб эшитилди. Масалан, қуйидаги сўзлар айниқса, икки томон эътиборини ўзига тортди, ҳам олимларни, ҳам уламоларни.

— Илгари араблар ва уларга тобе мусулмон халқлар ҳисоб амалларини рақамлар бирлан эмас, сўзлар ёрдамида бажарар эрдилар. Ҳиндлар эрса, ҳар бир сонни алоҳида белги, яъни рақам бирлан ифода этадурлар. Ҳар томонлама ўйлаб қарасам, ҳинд ҳисобининг афзаллиги муқаррар кўринди. Амалиётга осон, келажаги бебаҳо, сабаби шулки, дунё ишларининг келажак калити — илми риёзий ечимларга боғлиқ бўладур.

— Исбот! Исботи қани? — деб луқма ташлади уламолардан бири.

Ал-Хоразмийнинг исботи тайёр эди. У деворга тираб қўйилган узун ва энсиз қора тахта олдига борди-да, оқ бўр билан тўққизгача бўлган рақамларни қатор қилиб ёзиб қўйди. Мана кўринг: алифга ўхшағони — бир, калитга ўхшағони икки, бели букилгани уч, ана — тўрт, мана — беш, ва ҳоказо. Аммо ҳиндларнинг бу ажойиб топилмаси чала туғилган бола бўлиб қолган. Ҳиндлар уни такомиллаштира билмаганлар.

Олимлар эътибор билан тингласаларда, уламолар сафида шошқалоқлик сезилиб турди. Бояги уламо яна савол ташлади.

— Чала туғилган болани нима учун тавсия қилурсиз?

— Чала туғилғони бирлан жони бутун, руҳи баланд, вояга етгач, паҳлавон бўладур. Биз ани вояга етказишга бел боғладик. Вояга етказиш йўли ҳам топилғон. Биз шу рақамларни қабул қилиб олиб, ҳисоб амалларини ана шу рақамлар ёрдами билан ҳал қилиш йўлига ўтишимиз керак.

Чап томонда ўтирган Шайхулислом бошлиқ уламолар бир-бирлари билан шивирлаша бошладилар. Буни кўрган ал-Хоразмий гапни тўхтатиб турди, анжуманни бошқараётган Маъмун уламоларга қараб, ўз назари билан уларни жим қилди. Шундан кейин ал-Хоразмий гапида давом этди:

— Ҳиндлар тўққизлик саноқ тартибини жорий қилсалар-да, улар энг яхши топилдиқнинг «I» рақами аҳамиятини, унинг ҳисоб амалиётида нималарга қодир эканини тушуниб етмағон эрдилар. Менинг ҳинд ҳисобига киритғон янгилигим шулки, «I» рақами ёнига бир халқа, яъни сифр қўйиб, ани «ўн» қилдим — деди-да, тахтага бўр билан «10» рақамини ёзиб кўрсатди. — Мана шу ўнлик саноқ тартиби бирлан катта ва кўп сонларни жам ва тарх қилиш, зарб ва тақсим этиш осон ва содда бўладур.

— Эртакка ўхшайдур, — деб луқма ташлади чап томонда ўтирганларнинг яна бири.

— Санамай саккиз, демайлик. Аввал ҳаммасини эшитайлик! — деди ўнг томондагиларнинг бири.

— Аҳмад Фарғоний тўғри айтадур, гапиравeринг, аллома Муҳаммад ибн Мусо! — деб Маъмун ҳаммани тинчитди. Шундан сўнг ал-Хоразмий қора тахтага тўрт хонали сонлар рақамини ёзиб, уларни зарб қилиб, яъни бир-бирига кўпайтириб кўрсатди. Ҳосил бўлган сонларни тарх қилди, тақсим қилди. Бутунни майдалаб, майдаларни яна бутунга айлантирди.

Салгина олдинлаб, қавс ичида айтадиган бўлсам, ўша вақтда туғилган ўнлик саноқ усули шарқда «ал-Хоразм» деб аталган бўлса, Оврўпада бу сўзни «Алгоритм» деб атай бошладилар. «Алгоритм» деб Оврўпада ағдариб пахта солинган бу сўз ўзимизга ҳам совет даврида импорт қилиб олиб келинган.

Шундай қилиб, ўшанда, IX аср бошида ал-Хоразмий ўз кашфиётини илмий, амалий исботлаб дунёда бебаҳо ва буюк келажак фани яратилганини намойиш қилди. Ал-Хоразмий ўз маъруза-сини тугатар-тугатмас, олимлар уни қутлаб оёққа турдилар.

— Офарин!

— Улуғ кашфиёт!

Халифа Маъмун мамнунлигини яширолмай кўзлари ёниб, табассум қилди. Унинг биқинида ўтирган вазири аъзам ал-Фазл беихтиёр ўрнидан сакраб турди-да:

— Бугун улуғ кашфиёт туғилди! Ал-Хоразмий эшиклари берк илми риёзийнинг калитларини топиб қўлимизга берди. Ҳеч бир араб олими ҳал қилмоғон муаммоларни ечиб, бизни ҳинд рақамлари бирлан ошно қилдилар. Энди бу рақамларни араб рақамлари, деб айтамиз.

Бу сўзлардан кейин тўсатдан гўё бомба портлагандай бўлди-да, унинг ваҳимасидан «Катта танобий уй» ларзага келди. Бу ларза ўнг томондаги олқишлар, чап томондаги нолишларда алайна сезилиб турди.

Миллат буюклари

— Биз норозимиз! — деб қичқирди оппоқ соқоли кўксига тушган Шайхулислом. — Нега биз ҳандасий шаклларни қабул қилар эканмиз? Уларнинг рақамларини қабул қилиш ғайридин ҳинд қонини қонимизга қўшғон бирлан баробардур. Ал-Хоразмий ота-боболари мажусий бўлғони учун шундай қиладур. Нияти бузуқ, ул зот араб қонини ҳам бузмоқчи бўладур!

Икки бети ҳаяжондан қизариб кетган Қозиюл Куззот Шайхулислом гапларини зўр бериб қувватлар экан, янги кашфиётга тош ота кетди.

— Чапақай динли ҳиндлар чапдан ўнгга қараб тескари ёзадурлар. Илми ҳисоби эрса аларнинг диний эътиқоди бирлан чамбарчасдир. Масалан, бир сони — ота, икки сони — икки кўз, уч сони — агний деган худосининг рамзидур. Биз қандай қилиб, бу бидъатчи халқнинг рақамларини арабники деб атаймиз. Ярамайди!

Ал-Хоразмий тишини тишига қўйиб, чидам билан тинглади. Аммо унинг ёнида ўтирган, ал-Хоразмийнинг барча ишларидан хабардор бўлган, баъзан унинг бу кашфиётига кўмаклашган Аҳмад Фарғоний, ноилмий ва дунёвий илмларга, бошқа халқлар дурдоналаридан ҳазар қилишгача бориб етган гапларга чидаёлмади-да, сўз олиб, уламоларни ўз қуроллари билан мот қиладиган далиллардан бошлади.

— Ҳадиси муқаддасда, — деди у, — Илм ўрганиш мусулмон эр ва аёллар учун ҳам фарз, ҳам қарз дейилғон. Илмни Чинмочинг бориб бўлса ҳам ўрганиш буюрилғон. Ҳинд халқида шундай илм яралғон эркан, ани улуғ алломамиз бойитиб, араб халқининг меросиға айлантирибдур. Бундин аввало араб халқи манфаат кўрадур, қолаверса, жаҳон — олам фойдаланадур. Умуминсон мулкиға айланадур.

Қозиюл Куззот Аҳмад Фарғонийга эътироз билдириш учун ўрнидан туриб олди.

— Ҳиндлар ирқит, сиҳрғар, тирноқларини кесдирмайдиган, сигир гўштини емаса-да, тезагини баданларига суртадурлар. Рақамларини қора тахтаға оқ кесак бирлан ёзадурлар, араблар ҳам шундай қилишлари керак бўладурму?

— Мутлақо ундай эрмасдур, — деди Аҳмад Фарғоний. — Ҳар бир халқда ҳам ўзига яраша бидъат, хурофот, ярамас одат ҳам бор, аммо шу бирлан бошқа, ало хислат — мунаввар фикрли инсонлар яратган илм-фан мавжуддир. Биз алар яратғон ниҳолларни ўстиришимиз, мевасини инсонлар ила баҳам кўришга даъват қилинғондурмиз.

Ал-Хоразмий Аҳмад Фарғонийнинг бу доно гапларини ўз гапидай билиб, бош чайқаб маъқуллаб ўтирди. Чўзилиб кетган бу тортишувга Аҳмад Фарғонийнинг маъқул ва мақбул гапидан кейин Маъмун якун ясади.

— Ҳар икки томоннинг гапини эшитдик. Ҳақиқат мунозаралар орқали очиладур. Бу жойдаги мунозараларда ҳақиқат очилди: биз ўз ишимизда ҳадийси муқаддасга амал қилиб, ҳар бир халқнинг илм-фанини ўрганишимиз, билим уруғларини бидъат-хурофот балчиғидин тозалаб, аҳли муслимнинг миясиға қадашимиз лозим. Шу жиҳатдан қараганда улуғ аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг кашфиёти буюкдур. Ани биз арабнинг «ҳисоб илми» деб атайдурмиз!..

Орадан сал вақт ўтгач, Ал-Хоразмийнинг «Ал-Жабр ва муқобала» китоби майдонга чиқди. Уни олимлар жуда юксак баҳоладилар. Мухолифлар ҳам тек турмадилар. Ўшанда Аҳмад Фарғоний унинг мухолифларга жавобан, Ал-Хоразмий номаълум бир сонни тенгламалар орқали топиш йўлини кашф этиб, уни «Ал-Жабр» деди. «Ал-Жабр бамисоли тиконли дарахт, жабрга чидағон одамгина унинг устига чиқиб, меваларидан баҳраманд бўлғай» деди.

Аҳли илм, айниқса, риёзиётчилар дунёси ўша кунни «Ал-Жабр»нинг туғилган куни, деб биладилар. Хуллас, оламшумул буюк кашфиёт «ал-Жабр» ана шундай пайдо бўлган эди.

Партия ҳаёти

«ГАЗЕТА ЎҚИШ ЗАВҚИ БЎЛАКЧА»

— дейди Ўғилжон. —Айниқса у севимли газетанг бўлса!

1998 йилда партия вақтли нашрларига обунани муваффақиятли ташкил қилганлиги учун Гурлан туман партия кенгаши биринчи котиби Ўғилжон Оллоберганова ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаккурномаси ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

— Ўтган бир неча йилни таҳлил қилсак, туманимизда газета муштарийлари сони тобора ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, 1995-96 йилларга нисбатан газеталар муштарийлари сони икки ҳисса ошди.

Ўтган йили туманимиздан 190 нафар киши ХДПга аъзо бўлиб кирди. Ташкилотимизнинг обрў-эътибори катта. Маҳаллий ҳокимлик билан ҳамкорликда ишни йўлга қўйиб, омма орасида мустақиллик ғояларини кенг ёйиш, ислоҳотларни амалга ошириш, кишилар онгида янги давр мафкурасини шакллантиришдек хайрли ишларда ҳамфикр, ҳаммаслак бўляпмиз. Барча ҳудудий ташкилотларимиз, қатор корхона-ташкилотларда маънавият ва маърифат масканлари, тарғибот бурчаклари ташкил қилдик.

«Вазир» ва «Гулистон» жамоа хўжаликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси каби йирик ташкилотларимизда ишлар ибратли. Обуна мавсумида ҳам айнан шу ташкилотларда тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилди. Кекса ва ҳурматли партия аъзоларидан ўттиз нафарга яқини имтиёзли тарзда ўз севган нашрларига ёзилдилар.

Ўз навбатида оддий бир муштарий ва партия ходими сифатида таклифим бор: мана партиямиз ташкил қилинганига етти йил бўлаяпти. Демак, партия етакчилари, унинг жойлардаги ташкилотчилари, фаоллари ҳақида таҳлилий мақолалар бериб борилса. Бу бизларнинг бирбиримизни яқиндан билишимиз, тажриба ўрганишимизга ёрдам берган бўларди.

Ўғилжон ОЛЛОБЕРГАНОВА,
Гурлан туман партия кенгаши котиби.

МИНГ ТЕРАКЛИ МАЙДОН

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент тобора гўзаллашиб бормоқда. Эски, тор кўчалар кенгайтирилиб, ободонлаштирилмоқда. Чунончи, қадимий Сағбон кўчаси кенгайтирилиши муносабати билан Ачабод маҳалласидаги дарахтларнинг бир қисми кесилиб, ўрнида тўнкалар қолган эди. Бу аянчли манзара кўпчиликни ташвишга солди. Шу боис, маҳалла аҳли ва Исломобод масжиди аҳли бу жойни обод қилишга киришдилар. Туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари ҳам қараб туришмади. Кўпчилик бўлиб майдон ва йўлак четларига 1000 тупдан зиёд терак ўтқазилди.

Шунингдек, Абдулла Қодирий ва Ғафур Ғулом кўчалари кесишган жойда ҳувиллаб ётган катта майдонга ҳам кўчат ўтқазишга киришилди. Бу ишга нафақахўр Абдусаттор Раҳмонов бошчилик қиляпти. Отахонни кўчат ўтқазиш пайтида кўпчиликка бош-қош бўлаётганини кўрдик.

— Ҳорманг, отахон, савобли ишингизнинг баракасини берсин. Бироқ, кўчатлар ораси жуда яқин бўлиб кетибди-ку, — деб гап қотдик.

— Кўчат ораси яқин бўлса, айни муддао-да, болам. Шунда терак бир-бирига суяниб, алпдек тўғри ўсади, — деди отахон. — Ахир 40 йилдан буён ободонлаштириш соҳасида ишлайман. Аввалари нуқул чинор ва бошқа манзарали дарахтлар экиларди. Булар ўтиндан бошқа нарсага ярамайди. Мана, энди аксарият жойларга терак ўтқазяпмиз. Терак шаҳримиз кўркига-кўрк қўшишдан ташқари қурилиш материали ҳамдир.

Ҳадемай, бу майдонга ва Сағбон, Чиғатой кўчаларига экилган тераклар кўкка бўй чўзиб, шаҳримизнинг тўрт бурчидан кўриниб туради. Шунда кўчалардан юрган йўловчилар, хиёбонда дам олганлар кўчат ўтқазганларга раҳмат айтишади.

Юнус ЗИЁДОВ

АҲИЛЛИК БЎЛМАГАЧ

ёки Россиядаги ҳозирги аҳвол хусусида мулоҳазалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларнинг қаёққа кетаётганлигини эса ҳеч ким айта олмайди! Мамлакатни, халқни эмас, балки ўзини ўйлаб, иложи бўлса ҳамёнини тўлдиришга ҳаракат қилаётган «ислоҳотчилар» касофати билан мислсиз имкониятларга эга давлат халқ хўжалиги ҳолдан тоймоқда. Натижада, таниқли иқтисодчи-олим Л. Абалкин айтганидек, иқтисодий бўҳрон аллақачон бошланди.

Иқтисодиётнинг жиддий беморлиги оқибатида аҳоли қуйи табақалари, биринчи навбатда, беш-олти ойлаб пенсия, маош ва нафақаларини ололмаётган фахрийлар, ишсиз қолган ишчи ва хизматчилар, давлат бюджетига қарам ўқитувчилар, тиббиёт, маданият ва олий ўқув юртлари ходимлари, олимлар, қуролли кучлар офицерларининг ҳолига маймунлар йиғлайди. Расмий маълумотларга қараганда, Россияда 32 миллион киши қашшоқлик даражасига тушиб қолган бир пайтда потанинлар, березовскийлар, гусинскийлар ва уларга ўхшаган янги бойларнинг мол-мулки бир неча миллиардни ташкил этса (америкалик машҳур ишбилармон Жорж Сороснинг фикрича, шўро тизими емирилгандан кейин Россияда талончи капитализм ҳукмрон бўлди, бойликлар барбод бўлган давлатнинг активларини ўғирлаш йўли билан тўпланган), ислоҳотлар тўғрисида ижобий фикр билдириб бўладими? Россия ФА Аҳоли ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти директори Н. Римашевскаянинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакат бойлари 10 фоизининг даромадлари 10 фоиз камбағалларнинг даромадларидан 20 марта кўп экан! Бунинг оқибатида аҳоли ўртасида руҳий хасталик, алкоголизм, наркомания, жиноятчилик, бошқа иллатлар кенг тарқалмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Россия ланж таназзулни бошдан кечирмоқда, деб ҳисоблайди. Табиийки, жамиятда ижтимоий зиддиятлар кучайиб, ҳукуматдан, унинг сиёсатидан норозилар сони кўпаймоқда.

Бугунги кунда иш ташлашлар, оммавий намойишлар, очлик эълон қилишлар, пойтахтга делегацияларни юбориб туриш, президент ва ҳукумат номига талабномалар йўллаш Россия учун оддий ҳодисаларга айланиб қолди. Россия касаба уюшмалари чақириғига биноан 9 апрель куни мамлакатнинг турли минтақаларида кўчага чиқиб, норозилик намойиш ва митингларида қатнашган кишилар иқтисодий талаблар билан бир қаторда сиёсий, президентга қарши талабларни ҳам қўйдилар. Давлат бошлиғи бундан бир йил олдин шундай чиқишларга баҳо берганида, «бу одамларнинг сабр-тоқати тугаётганлигининг белгиси», деб огоҳлантирган эди. Мамлакатда ижтимоий аҳволнинг бунчалик мураккаб ва кескинлашуви бир кунмас бир кун портлашга олиб келмаслигига ким кафолат бера олади?

Устига устак, етти йилдан буён мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатаётган Россияда сиёсий барқарорлик ҳам танқис бўлиб қолди. Президент Б. Ельцин олти йил давомида ҳокимият тепасида турган В. Черномирдин ҳукуматини, унинг таркибига янги-янги «ислоҳотчилар»ни киритиш билан мустаҳкамлаб келган бўлса-да, охир-оқибатда истеъфога чиқаришга мажбур бўлди. Чунки, ушбу ҳукумат ислоҳотлар йўлидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш негизида иқтисодий ривожланишга эришиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни тубдан яхшилаш каби ваъдалари устидан чиқмади. Ҳаттоки, президентнинг давлат бюджетидан тўланадиган маошлар ва пенсиялар бўйича қарзларни янги йилгача тўла узиш тўғрисидаги кўрсатмасини ҳам тўлиқ бажара олмади. Ҳукуматнинг қатор нуфузли аъзолари: бош вазирнинг биринчи ўринбосари А. Чубайс, вазир А. Кох ва бошқалар раҳбарлар номига доғ туширганликлари («Россияда хусусийлаштириш тарихи» номли ёзилмаган китоб учун ноқонуний равишда бот-бот қалам ҳақи олганликлари), мудофаа вазири И. Родионов армияда ислоҳотлар ўтказилишига шошилмаганлиги, хавфсизлик кенгаши котиби А. Лебедь ўзини жуда мустақил тутгани, бош вазир ўринбосари В. Серов ўз вазифасини яхши бажара олмагани, бош вазир ўринбосари ва ички ишлар вазири А. Куликовнинг кимгадир ёқмаганлиги учун ишдан бўшатилганликлари ва бошқа жиддий далиллар (президент аппаратидаги юқори мансабдор кишиларнинг тез-тез алмашуви, марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги тортишувлар) ижроия ҳокимиятнинг ўзида барқарорлик йўқлигини намойиш этмоқда.

Сўл мухолифат ҳукмронлик қилаётган Давлат Думаси билан президент ва ҳукумат ўртасидаги зиддиятлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Унинг туфайли бу йилги давлат бюджетини қабул қилиш 3-4 ойга чўзилди. Мамлакат ривожи учун ҳаётий аҳамиятга молик қатор кодекс ва қонунлар ҳанузгача қабул қилинмаган, муҳим халқаро шартномалар тасдиқланмаётир. Ҳозир президент таклифига кўра янги бош вазирни тайинлаш ва ҳукуматнинг янги таркибини шакллантириш устида кураш авжида. Шундай катта мамлакатнинг яна қанча вақт ҳукуматсиз қолиши номаълум.

Эътиборли жойи шундаки, мухолифат сафларида ҳам якдиллик йўқ. Компартия вакиллари кўрпани бир томонга тортса, «Яблоко»чилар иккинчи томонга, В. Жириновский тарафдорлари учинчи томонга ва ҳоказолар. Демак, Россиядек буюк мамлакатда на халқ билан раҳбарият, на ҳокимиятнинг турли тармоқ ва поғоналари ўртасида бирлик, аҳиллик бор. Ҳокимият ўз вазифасини уддалай олмаяпти. «Мамлакатни вазият эмас, ҳокимият бошқариши керак. Тартиб ўрнатиш пайти келди» . Бу сўзларни Б. Ельцин бир йил муқаддам айтган эди. Афсуски, ўшандан буён ўтган вақт ичида аҳвол ўнгланмади. Бунинг оқибатларини ҳамма кўриб турибди.

Россиядаги воқеалар сабоғи биздан она-юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, самарали ислоҳотлар ва бунёдкорлик муҳитини қадрлашни, Президент Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз ҳукуматининг оқил сиёсатини бундан кейин ҳам фаол қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Собир ҚУРБОНОВ

ШАЪНИНГИЗГА ДОҒ ТУШИРМАНГ

Ёшлар ва маънавият

Ёшлар маънавиятини, диний тарбиясини тўғри йўналтириш, ижтимоий ҳаётда диннинг тарбиявий, маданий, ахлоқий кучидан самарали фойдаланишда олий ўқув юртлари ҳамда халқ таълими ходимларининг меҳнати жуда муҳим ўрин тутади.

